

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 78-ҳадис

78 - عَنْ عُثْمَانَ بْنِ عَفَّانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «مَنْ صَلَّى الْعِشَاءِ فِي جَمَاعَةٍ، فَكَأَنَّمَا قَامَ نِصْفَ اللَّيْلِ وَمَنْ صَلَّى الصُّبْحَ فِي جَمَاعَةٍ، فَكَأَنَّمَا صَلَّى اللَّيْلَ كُلَّهُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Усмон ибн Аффон розияллоху анхудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “**Ким хуфтон намозини жамоат билан ўқиса, кечанинг ярмини ибодат или бедор ўтказгандай бўлади. Кимки бомдод намозини жамоат или ўқиса, бутун кечани ибодат или ўтказгандай бўлади**”, деб айтганларини эшигдим”.

Имом Муслим ривоятлари.

Шарҳ: Аллоҳ таоло: "Рукуъ қилувчилар билан рукуъ қилинг", деб айтган. Ушбу даъват мусулмонларнинг орасини жамлаш ва улар орасида ўзаро муҳаббатни ошириш учун бўлган чақириқдир. Пайғамбар алайҳиссалом хуфтон ва бомдод намозларини жамоат билан ўқишига алоҳида тарғиб қилмоқдалар, чунки бу икки намоз мунофиқлар учун энг оғир намоздир. Бу иккисини масжидда жамоат билан ўқишида улкан савоблар бордир. Пайғамбар алайҳиссалом хуфтоннинг фазилатини туннинг ярмини бедор ўтказишга тенглаштироқдалар. Бомдодни эса, туннинг барчасини бедор ўтказишга тенглаштироқдалар. Демак, фарз намозларини адо этиш билан бир қаторда, тунда нафл ибодат қилишнинг савобига ҳам эришмоқ нияти бўлса, марҳамат, хуфтон ва бомдод намозларини жамоат билан масжида ўқисин.

Ҳадисдан ўргангандаримиз

1. Жамоат намозининг аҳамияти, хусусан хуфтон намозини аҳамияти.
2. Бомдод намозини жамоат билан ўқишининг фазилати ва унга бериладиган савобнинг улканлиги.
3. Озгина амалга ҳам кўпгина савобни берилиши уммати Муҳаммад учун

Аллоҳнинг раҳматидир.

Манба: hadis.islom.uz

